

БМТ нинг Тараққиёт Ҳисоби Лойиҳаси

" COVID -19 дан кейин энг қулай тикланиш учун алоҳида эҳтиёжли мамлакатларнинг энергия сиёсатини мустаҳкамлаш "

Миллий Маслаҳат Семинари.

Тошкент, Ўзбекистон

Ўтказилиш жойи: "FrankFort Hotel and Spa" меҳмонхонаси, Немат кўчаси-4.

31 январ 2023 й., 9:00-11:00 (Тошкент вақти)

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ESCAP) ҳамда Европа иқтисодий комиссияси (UNECE) биргаликда "COVID-19 дан кейин энг қулай тикланиш учун алоҳида эҳтиёжли мамлакатларнинг энергия сиёсатини мустаҳкамлаш" мавзусида, 2022 йил январ -2025 йил июн оралиқда саккизта бенефициар мамлакат учун, БМТ нинг Тараққиёт ҳисоби лойиҳасини амалга оширмақда.

UNECE улардан учтасидаги фаолият учун жавобгардир: Арманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон. Лойиҳа Барқарор Ривожланиш Мақсадларини (БРМ) амалга ошириш доирасида Ўзбекистоннинг миллий мажбуриятларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Лойиҳанинг асосий мақсади БРМ 7 "Ҳамма учун арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан фойдаланишни таъминлаш"га эришиш учун Йўл харитасини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон учун БРМ 7 Йўл харитасини ишлаб чиқишга бағишланган ушбу Миллий Маслаҳат Семинарида Халқаро экспертлар гуруҳи томонидан баҳоланган методологияга мувофиқ техник, иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларни, экологик таҳлилни бирлаштирган ҳамда ташкилий қарорларни қабул қилишда интеграциялашган ва инновацион ёндашувга эга бўлган БРМнинг Миллий экспертиза энергия режалаштириш воситаси (*NEXSTEP - the National Expert SDG Tool for Energy Planning*) тақдимоти бўлиб ўтади.

Ушбу восита сиёсатчиларга турли хил энергия манбаларининг улушини баҳолайдиган ва зарур технологик имкониятларни аниқлайдиган сценарийларни тақдим этади, БРМ 7 Йўл хариталарини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлайди ҳамда раҳбарият учун мувозанатли миллий сиёсатни ишлаб чиқишда олинган натижаларни тушунишни таъминлаш учун иқтисодий таҳлилни бажаради.

Ҳозирда *NEXSTEP* методологияси 11 мамлакатда қўлланилган. UNECE минтақасида Грузия учун БРМ 7 Йўл харитаси 2020 йилда ва Қирғизистон учун 2022 йилда яқунланди. Ушбу восита доимий равишда хусусийлаштириш ва модернизация қилиш жараёнининг бир қисми сифатида фойдаланишда давом этмоқда. Келажакда *NEXSTEP* онлайн восита сифатида тақдим этилади ва ихтисослашган мутахассисларга миллий йўл хариталарини янада яхшилаш учун қулай фойдаланиш имкониятини беради.

Семинар Дастури

8:30-9:00	Рўйхатдан ўтиш ва қаҳва	
9:00-9:20	Кириш сўзлари	<p>Жаноб Азим Ахмедхаджаев, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирининг ўринбосари</p> <p>Жаноб Simon Hacker, раҳбар, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори ваколатхонаси</p> <p>Жаноб Олег Дзюбинский, Барқарор Энергия бўлими минтақавий маслаҳатчиси, UNECE</p> <p>Жаноб Michael Williamson, Энергетика бўлими бошлиғи, ESCAP</p>
9:20-9:30	Лойиҳанинг тақдими ва шарҳи	Жаноб Олег Дзюбинский, Барқарор Энергия бўлими минтақавий маслаҳатчиси, UNECE
9:30-9:45	Ўзбекистонда энергетика соҳасининг ҳолати ҳақида умумий маълумот	Жаноб Баҳромбек Умарбеков, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Лойиҳа идораси директорининг ўринбосари
9:45-10:10	<i>NEXSTEP</i> воситаси ва БРМ 7 йўл харитаси ҳақида умумий маълумотлар	Жаноб Anis Zaman, маслаҳатчи, ESCAP Жаноб Виталий Беккер, маслаҳатчи, UNECE
10:10-10:20	Ўзбекистонда лойиҳани амалга ошириш	Жаноб Раҳимжон Бабаходжаев, маслаҳатчи, UNECE
10:20-10:30	Қирғизистонда БРМ 7 га эришиш учун Миллий йўл харитасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибаси	Татьяна Веденева хоним, миллий маслаҳатчи, Қирғизистон
10:30-10:45	Барқарор ривожланиш кўрсаткичларини инвентаризация қилиш ва тайёрлаш	Жаноб Элёр Бабаханов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг энергетика статистикаси сектори мудири.
10:45-10:55	Саволлар / Жавоблар Муҳокама	Модератор: Жаноб Олег Дзюбинский, Барқарор Энергия бўлими минтақавий маслаҳатчиси, UNECE.
10:55-11:00	Хулоса ва якуний шарҳлар	Жаноб Олег Дзюбинский, Барқарор Энергия бўлими минтақавий маслаҳатчиси, UNECE.
11:00-11:30	Мулоқат Кофе танаффуси	